




# ASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 3-NOYABR, PAYSHANBA, 46 (678)-SON

e-mail: xxi\_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САЙЛОВ – 2016

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН, ФАРФОНА ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Шахрихон тумани кенгаши раиси Қахрамон Саримсоқов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нуқт сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизimini такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилояти ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини 2010 йилдан буён вилоятнинг яли ҳудудий маҳсулоти 1,7 баробар ўсгани мисолида кўриш мумкин. Вилоятда саноат маҳсулоти 95 фоиздан ортиги автомобилсозлик, енгил саноат, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат саноати каби замонавий тармоқларда ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятдаги 140 қўшма корхонанинг ярмидан кўпи охириги 5 йил мобайнида, илгари бундай корхоналар бўлмаган туманларда ташкил этилган. Андижоннинг экспорт ҳажми ҳозирги кунда қарийб 160 миллион долларга етган ва бу 2011 йилга нисбатан 6 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўлаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг сони ва вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бораётди. Кейинги беш йилда вилоятда 10 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони деярли 2,5 баробар кўпайган. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи шу соҳада фаолият кўрсатиб, даромад топтомоқда.

Учрашув видеоконференция тарзида ўтказилди. Андижон шаҳри ва барча туман марказларида йиғилган сайловчилар билан очик ва жонли мулоқот бўлди.

Ҳонобод шаҳридан ЎзЛиДеП фаоли Ш. Алимов, Избоскан транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси О. Тожиддинова, Андижон давлат тиббиёт институти талабаси И. Абдумаликов, Олтинқўл туманидаги "Бахт имкон чорваси" фермер ҳўжалиги раҳбари Ф. Исмонлов, Марҳамат туманидаги "Феруз" фермер ҳўжалиги раҳбари Ф. Каримов, Шахрихон туманидаги "Ишқомли ҳамкор" фермер ҳўжалиги раҳбари А. Тўрақуллов, Асака туманидан "GM O'zbekiston" акциядорлик жамияти ходими Б.Усмонов ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар ижроси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Давоми 4-саҳифада >>

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Шавкат Миромонович Мирзиёев 1957 йил 24 июлда Жиззах вилоятининг Зомин туманида шифокор оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, 1981 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатган. Муҳандис-механик мутахассислигига эга. Техника фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бошлаб, кичик илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлади.

1990 йили Республика Олий Совети депутатлигига сайланиб, айни вақтда Мандат комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

1992 йилда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек тумани ҳокими лавозимига тайинланди. 1996–2001 йилларда Жиззах вилояти ҳокими, 2001–2003 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти ҳокими лавозимларида ишлаб, мазкур туман ва вилоятларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ижро ҳокимиятидаги фаолияти билан бир пайтда 1995 – 2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида ҳам мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда демократик ислохотларни амалга ошириш борасидаги муҳим қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, самарали фаолият олиб борди.

Ш.М. Мирзиёев 2003 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тасдиқланди ва ушбу лавозимга яна уч марта – 2005, 2010, 2015 йилларда Олий Мажлис палаталари томонидан қайта тасдиқланди.

Ш.М. Мирзиёев мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг юксак ишончини қозониб, унинг яқин сафдоши ва маслаҳатчи сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ш.М. Мирзиёев Ҳукумат бошлиғи сифатида кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, йирик ва ноёб лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, хусусий мулкни устувор даражада ривожлантириш, иқтисодиётда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашда ўзининг юксак салоҳияти ва моҳир ташкилотчилик қобилиятини намойён этди.

Мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, фермерлик ҳаракатини тараққий топтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини кафолатланган ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб бориш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, республиканинг шаҳар ва туманлари, айниқса, узоқ қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг қўламли ва самарали тадбирларни амалга оширди.

Ш.М. Мирзиёевнинг фаолиятида социал-иқтисодий масалалар билан бир қаторда таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизимларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болалиқни кучли муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти бўлган маҳалланинг нуфузи ва обрўсини янада ошириш, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотларини демократик ислохотларга кенг жалб этиш орқали жамиятда уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, миллий маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил ривожлантириш ишларига юқори даражада эътибор қаратди.

Қайд этилганлар билан бир қаторда, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга оширишда хорижий давлатлар ва халқаро тузилмалар, шунингдек, халқаро молия институти билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни кучайтириш орқали мамлакатимизнинг миллий манфаатларига ва иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган келишувларга эришишда беvosита раҳбарлик қилди.

2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республика-



си Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш вақтинча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юкланди.

Ш.М. Мирзиёев оилали, икки қиз, бир ўғли, беш нафар набираси бор. Рафиқаси З.М. Ҳошимова – мутахассислиги бўйича муҳандис-иқтисодчи, айни пайтда уй бекаси.

Ш.М. Мирзиёев давлат ва бошқарув органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ишига улкан ҳисса қўшгани учун "Меҳнат шухрати" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури билан 2,-3-саҳифаларда танишасиз.

## ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари иш бошлади

2016 йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Комиссиянинг ЕХҲТ ДИИХБ билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва юқори натижалар бераётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 21 октябрда ДИИХБ томонидан эълон қилинган ҳисоботда айтилганидек, Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Учрашувда ЕХҲТ ДИИХБ миссияси фаолияти, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни пойтахтимизда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш тадбирини бошлаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги миссия пойтахтимизда 17 нафар

кузатувчи эксперт ҳамда ҳудудларда фаолият кўрсатадиган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчидан таркиб топиши маълум қилинди. Бундан ташқари, сайлов куни ДИИХБ 250 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни жалб қилиши режалаштирилган. Кузатувчи ва экспертлар ЕХҲТнинг 21 аъзо мамлакатидан жалб қилинади.

Узоқ муддатли кузатувчилар гуруҳи аъзолари мамлакатимизга шу йилнинг 5 ноябрь куни кела бошлайди, қисқа муддатли кузатувчилар 2-6 декабрь кунлари фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Сайловни кузатиш миссияси сайловни баҳолашда ЕХҲТ мажбуриятлари, демократик сайлов ўтказилишининг халқаро стандартлари ва талаблари ҳамда миллий қонунчиликка таянади. Кузатувчилар сайлов кампанияси тадбирларини, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини кузатади. Экспертлар сайлов тадбирлари оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини мониторинг қилиб боради.

Кузатув давомида миссия тегишли давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, номзодлар, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари ҳамда дипло-

матик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

Сайлов куни кузатувчилар сайлов участкаларининг очилиши, овоз бериш жараёни, овозларни санаш ва унинг натижаларини тақдим қилиш жараёнларини кузатади. Миссиянинг дастлабки натижа ва ҳулосалари бўйича ҳужжат сайловдан бир кун ўтиб чоп этилади.

Бюро экспертлари 2015 йилнинг декабрь ойда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини алоҳида қайд этди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок эта олишини енгиллаштириш мақсадида Президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сонининг қисқартирилгани, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани, қамқода сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва жараёни мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланишига бир кун қолганда ташвиқот қилинмаслиги, бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўлаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таъмили, сайловолди ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилиши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оид масалаларни тартибга соладиган ҳужжатлар янгилангани ҳам таъкидланди.

Тадбирда миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, қолаверса, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш стандартларга мувофиқ очик ва ошкора ўтказишга тайёр эканини эътироф этган ҳолда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун ўзининг тўлақонли миссиясини юборишга қарор қилгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Б. БОЗОРОВ, УЗА мухбири

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – сайловнинг муҳим тамойиллари

Маълумки, сайловлар – бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқаруви ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда беvosита иштирокнинг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўйга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давоми 5-саҳифада >>

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ДАСТУРИ

Бизнинг бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуганиевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Бизнинг сайловолди дастуримизда давлатимизнинг жадал ривожланиши йўлида ҳалақат бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилган ҳолда, юртимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган ва эҳтимол тутилган хавф-хатарларнинг олдини олиш, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва шунингдек, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлайдиган бешта устувор йўналиш белгилаб олинди.

## I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. “КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ” КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Сиёсий тизимни ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифаларимиз ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ташаббусларини амалга ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат.

Биз давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашилари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз.

Бу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқаруви тизими ва унинг аппарати фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Шу муносабат билан биз давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

Шу билан бирга, биз ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ушбу соҳада тажрибадан ўтган бозор механизмлари ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини кенг жорий этишни таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Биз ваколатларни марказдан жойларга бериш тарафдоримиз. Шунинг учун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги барча бўғинлардаги ҳокимиятларнинг вазифа ва ваколатлар тизимини такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳокимлик идораларининг моддий-техник таъминоти ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқамиз. Ушбу ишларни амалга оширишда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз.

Фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари томонидан сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун биз қатъий кураш олиб борамиз.

Раҳбарлар фаолиятига, уларга бўлган ишонч ва аҳолини ўйлантирадиган муаммоларни самарали ҳал этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг ўзи баҳо беради.

Бинобарин, давлат муассасалари ходимларининг масъулиятини ошириш ва шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида биз “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга оширишни давом эттириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш, маҳалла тузилмасининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ва шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш соҳасида биз уларнинг иқтисодий асослари ва моддий базасини янада мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни изчил давом эттирамиз.

## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ. “КУЧ – АДОЛАТДА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга ошириладиган барча ислохотлар самарадорлигининг кафолатидир, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилidir.

Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг бош вазифаси – бу суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантириш, суд-тергов фаолиятига илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpigа оғишмасдан амал қилишини таъминлаш биз учун энг муҳим масала бўлиб қолади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмла-

рини кенг қўллашни асосий вазифамиз деб биламиз.

Одил судловни таъминлашда тарафлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун адвокатура соҳасини ислоҳ қилиш, суд-тергов жараёнларида адвокатнинг ваколатларини кенгайтириш ва ролини янада кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўриш зарур.

Давлат идораларида юридик хизмат самарадорлигини таъминлаш мақсадида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи биз учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Биз жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатини, айрим жиноят турларини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш, ярашув институтини қўллаш имкониятларини янада кенгайтириш сиёсатини давом эттирамиз.

Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Бу жараёнда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва уларнинг профилактикаси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси бизнинг дастуримизда муҳим ўрин тутди.

## III. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

“Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди” деган, амалда ўзини оқлаган қоидадан келиб чиққан ҳолда, биз келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлиши асосий эътиборни куйидаги стратегия йўналишларга қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий валютанимиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш улкан аҳамиятга эга.

Молиявий соҳада тармоқ ва минтақаларнинг мутаносиб ривожланиши ҳисобидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга эътибор қаратилади. Маҳаллий бюджетлар имкониятларининг оширилиши, аввало, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Иккинчидан, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтириш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Асосий ва муҳим вазифа – 2030 йлга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида sanoatнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича аниқ мақсадли дастурларни амалга оширишдан иборат.

Шу мақсадда кимё sanoatини, рангли ва нодирметаллар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари sanoatини ривожлантиришга қаратилган 8 та махсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда умумий қиймати қар-

рийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширамиз. Бу чоралар sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик sanoatини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш якунига етказилди. Қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди. Натижада тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошади.

Биз ўз олдимизга яна бир муҳим вазифани қўйганмиз, у ҳам бўлса, фармацевтика sanoatини жадал ривожлантиришдан иборат. 67 та худудий лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинадиган дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Айни вақтда, давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг аниқ белгиланган нархларда сотилиши таъминланади.

Хорижий инвестициялар ва замонавий илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳамда Ангрэн шаҳрида эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Берилган имтиёзлар корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга имкон яратмоқда. Бу ижобий тажрибани кенгайтириш мақсадида Ургут ва Гиждувон туманларида, Қўқон шаҳрида ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Учинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича ишларни тизимли асосда давом эттирамиз. 2017 йилда Янги иш ўринлари ташкил этиш дастури доирасида 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик ҳисобидан иш билан таъминлаш чораларини кўрамиз.

Тўртинчидан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини янада ислоҳ қилишни устувор вазифа деб ҳисоблаймиз. 2017–2020 йилларга мўлжалланган Кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Ҳал қилувчи вазифа – ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш инфратузилмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш, экспортга йўналтирилган мева-сабзавот, озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, кичик sanoat корхоналари тармоқларини ташкил этиш ва аграр хизматларни кенгайтириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу мақсадлар учун қўшимча равишда 200 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган совуқтичи омборхоналар барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Асосий вазифаларимиздан яна бири – қишлоқ ҳўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришдан иборат. Бу ишларни амалга оширган тақдирда биз кафолатланган барқарор ҳислдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай оламиз. Бу мамлакатимиз

озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори бўлиши зарур.

Бешинчидан, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига ҳалақат берадиган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш – сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларни ҳал этишда биз тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз тадбиркорларни суд йўли билан ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини либераллаштириш, айни пайтда, ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашгани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, солиқ бошқаруви ва банк фаолиятига замонавий тартибга солиш механизмларини жорий этиш, шунингдек, рухсат беришга оид ҳужжатлар ва лицензиялар бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш орқалигина ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига эришимизимиз мумкин.

Олтинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган 2017–2021 йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни режалаштирилмоқда.

Дастур доирасида соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, туристлар учун виза ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, янги туристик маршрутларни яратиш, туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишни кўзда тутадиган янги таҳрирдаги “Туризм тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суришни, шунингдек, “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини танқидий кўриб чиқишни зарур деб биламиз.

Еттинчидан, худудларни янада комплекс ривожлантириш энг муҳим вазифадир.

Авалло, Биринчи Президентимиз томонидан тасдиқланган бир қатор вилоятлар, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Наманган, Урганч ва Гулистон шаҳарлари, шунингдек, Булунгур ва Нишон туманлари sanoat салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар ижроси сўзсиз таъминланади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Чуқур таҳлиллар асосида ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган, ҳар бир маҳаллани назарда тутган ҳолда, 2017–2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Бу дастурларни амалга ошириш натижасида субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган худудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларли равишда камаяди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ДАСТУРИ

« Давоми. Бошланиши 2-саҳифада

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш биринчи даражали вазифаларимиз қаторига киради. Шу мақсадда, миллий меъморлик ва шаҳар-созликнинг энг илғор ютуқ ва ечимларидан фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътиборимиз марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу эса қарийб 30 минг оилани, биринчи навбатда кам таъминланган оилаларни янги уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва замонавий хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тезюрар метро йўналишларини қуриш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширадиган ишларимиз аввало халқимизга, ҳар бир фуқарога қандай наф етказиши, унинг дастурхонида, кундалик ҳаётида акс эттиши биз учун ўта муҳимдир. Шу муносабат билан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқич-ма-босқич ошириб бериш бўйича ишлар давом эттирилади. Шунингдек, истеъмолат товарлари, жумладан, арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди.

## IV. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. “ИСЛОҲОТ – ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, АВВАЛО ИНСОН УЧУН” ДЕГАН ЭНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРДАН БИРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун биз мамлакатимиз миқёсидаги қатор мақсадли дастурларни амалга оширишимиз зарур.

Аввало, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиб, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури қабул қилинди. Унга биноан, 2017 йилда эҳтиёжманд оилалар учун бошлангич тўлов ҳажми икки баробар камайтирилиб, тўрт хил янги намунадаги, қўлай ва арзон, бир ва икки қаватли 15 мингта замонавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 2017–2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ва йирик шаҳарларда 50 мингта яқин уй-жойга муҳтож оилалар учун кўп қаватли арзон уйлар қурилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш биз учун алоҳида долзарб бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Келгуси беш йил давомида қарийб 9 минг километрик ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та қудуқ ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиз-

зах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3 миллион 200 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш имконини беради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташкил этилади ҳамда Молия вазирлиги ҳузурида “Тоза сув” махсус жамғармаси тузилади.

Аҳоли ва корхоналарга электр қувватини кафолатли ва барқарор тарзда етказиб бериш мақсадида Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастурини амалга оширишни режалаштирмамиз. Дастур доирасида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанциясини алмаштириш назарда тутилмоқда.

Минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш дастури доирасида умумий фойдаланишдаги 1 минг 700 километрик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, аҳоли учун ўта муҳим бўлган 10 минг 400 километрик хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, туман марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҳалла кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш мўлжалланмоқда.

Бу дастурни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” компаниясининг ташкилий тузилмаси ва фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилади.

Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастурига асосан 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қўшимча қўлайликлар яратилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Янги 3 мингта замонавий автобус, 5 минг 700 та микроавтобус сотиб олиниб, 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади.

Ҳаво ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини барпо этиш билан бир қаторда Бухоро – Мискин темир йўл тармоғи қурилишини якунига етказиш ва электрлаштириш, Қарши – Термиз, Поп – Наманган – Андижон – Қўқон темир йўлларини электрлаштириш ишлари ҳам назарда тутилмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилишни янада яхшилаш дастури шаҳарларимиз ва қишлоқ аҳоли пунктларининг тозаллиги ва озодлигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган, аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирадиган, ноқонуний чиқиндилар ташланаётган жойларни йўқ қилиш имконини беради. Маиший чиқиндилар учун, жумладан, барча вилоятлар марказлари ҳамда Қўқон, Марғилон, Ангрен, Бекобод, Олмалик ва Хива шаҳарларида 168 та махсус жойлар ташкил этилади. Чиқиндиларни тозалаш билан шуғулланадиган ташкилотлар қўшимча равишда 405 та замонавий махсус техника билан таъминланади.

Аҳолига кўмир етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, унинг нархи сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган мактабга таълим-тарбия тизимининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш эътиборимиз марказида бўлади. Жумладан, давлатга қарашли 1 миллион 109 минг ўринли 2 минг 200 та болалар боғчасини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам хизмати, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича аниқ чоралар кўрилади.

Муҳтарам аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда ўрни беқиёс бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бизнинг доимий ва муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Хонадонларимизнинг файзу фароғатини бўлган нуруний отахон ва онахонларимизни эъзозлаш, уларни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш асрлар давомида энг улғу қадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Бундай табаррук инсонларга хизмат қилиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўришни эзгу ва савобли ишимиз деб биламиз.

Ёши улғу инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш режалаштирилмоқда. “Нуруний” жамғармасининг мақоми ва мавқеини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилди.

**Маънавий-маърифий соҳада** олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий аъналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги сиёсатимиз янги қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади.

Биз 2017–2021 йилларда олий ўқув юрлари тизимини янада ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга, олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришга қаттиқ бел боғлаганмиз.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшлар интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу борада алоҳида эътиборни уюлмаган ёшлар билан ишлашга ва уларни ташкилот фаолиятига жалб этишга қаратамиз.

Биз илм-фан намоёндалари, заҳмат-

каш олимларимиз учун ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш мақсадида бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорига муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қараймиз.

Айни вақтда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини Интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбининг муҳандислари бўлган ижодкор зиёлиларга доимий эътибор масаласи дастуримизда етакчи ўрин эгаллайди. Ижодий ташкилотлар, бадий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватлашни, уларнинг моддий-техник базаси, инфратузилма тармоқларини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир йўналиши деб биламиз.

Маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари диққатимиз марказида бўлади.

Биз маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларимизнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш бўйича махсус дастурларни амалга оширамиз.

## V. ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК. ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР

Биз “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деган давлати хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятимизнинг асосий тамойили сифатида белгилаб олганмиз.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп-миллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиллашга қодирлиги, унинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, мамлакатимизнинг муҳофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш – хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шarti ва кафолатидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари-нинг тинч-тотув ҳаёт кечираётгани – истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 137 та мил-

лий маданий марказнинг ўрни беқиёс эканини инобатга, олган ҳолда, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда келгусида ҳам сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Диний бағрикенглик асрлар давомида халқимиз менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда ҳукм сураётган бағрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 16 та диний конфессияга мансуб 2 минг 200 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улар ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз.

Муқаддас ислом динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солаётган бузғунчи кучларга қарши биз доимо кескин курашиб келганмиз ва бундан кейин ҳам қатъий курашамиз.

Мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига таҳдид солишга уринадиган ёвуз кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига кескин зарба берилди.

**Ташқи сиёсат соҳасида** Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий маъно-мазмуну – тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама қаршилиқларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

\*\*\*

Биз сайловолди дастуримизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларни белгилаб олдик. Мазкур мақсад ва вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Улкан режаларимизни амалга оширишда биз, биринчи навбатда, барча юртдошларимиз, бутун халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таянамиз.

Фақатгина халқимизнинг шижоати ва қудрати, буқилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган ишончи буюк мақсадларимизга эришишни бирдан-бир кафолатидир.

**Барчамиз учун Ватан битта!**

**Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир!**

**Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир!**

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН, ФАРҒОНА ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



44 Давоми. Бошланчи 1-саҳифада

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев шу кун Фарғона вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон

халқ шоири Иқбол Мирзаалиев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев учрашувда нутқ сўзлади ва ўзининг сайловда дастурида белгиланган асосий йўналишлар ҳақида батафсил тўхталиди.

Номзоднинг дастурида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ҳар томонлама ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштириш, бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда барча ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли Фарғона вилояти ҳам изчил тараққий этмоқда. Утган йили вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсди. Фарғона вилоятини 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида 3 минг 881 лойиҳа амалга оширилиб, 23 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Барча манбалар ҳисобидан 584 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш ҳисобига жорий йилда 2 минг 260 янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 18 минг 775 тага етди.

Видеоконференция тарзида ўтган очиқ мулоқотда меҳнат фахрийси О.Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Сиддиқова, Фарғона компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси М.Ғаффоржонов ва бошқалар мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўли – “Ўзбек модели” барча соҳаларда улкан самаралар бераётганини қайд этди.

Сайловда жараёنлари миллий қонучилигимиз ва халқаро демократик тамойиллар асосида ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

\*\*\*

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь кун Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Наманган вилояти кенгаши раиси С. Мўминов очди.

Йиғилиш аввалида Биринчи Президентимиз Исролом Каримов хотираси ёд этилди. Исролом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Наманган вилояти ҳам изчил ривожланмоқда. Саноат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий қорхоналар ишга туширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўлаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги салмоқи тобора ортмоқда. Янги уй-жой ва ижтимоий объектлар бунёд этилиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловда дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизimini такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макросиёсий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мус-

таҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлантириш, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда видеоконференция орқали Наманган шаҳри ва барча туман марказларида йиғилган сайловчилар иштирок этди.

Меҳнат фахрийси Ш.Нуриддинов, “Афрўз Камол Наби” масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори С.Нўмонов, “Истиклол текстиль дизайн” масъулияти чекланган жамияти директори Б.Умаров, Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси М.Истамқулова, “Имрон текстиль груп” хусусий қорхонаси раҳбари И.Қўтқиддинов, меҳнат фахрийси И.Бўстонов, Поп туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси З.Ҳайдарова, Чўст тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Бозорова, Косонсой туманидаги “Қўқимбой” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Қосимова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонучилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎА

## Ҳозирлик юксак савияда



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни ташкил этиш масаласига бағишланган экспертлар гуруҳларининг йиғилиши ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мазкур тадбирда Марказий, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, соҳа мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ишчанлик руҳида ўтган тадбирда Марказий

сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов сайловлар кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси сифатида халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқаруви ва давлат

ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шакли эканлиги ҳамда тобора яқинлашиб келаётган Президент сайловини ўтказишда участка сайлов комиссияларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Шунингдек, нотиқ, Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 13 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган тадбирлар режаси қабул қилиниб, 20 октябрь кунини республика семинар-тренинги ўтказилганини қайд этди.

Жорий йилнинг 1-10 ноябрь кунлари эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиш белгиланган.

Шу ўринда ўтказилган мазкур тадбирлар замирида қандай маъно ва мазмун мужассам, деган табиий савол туғилади. Мақсад

сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институтининг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни ошқоралигини таъминлашдаги роли сингари йўналишларда сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакасини янада оширишдир. Бу эса сайловни демократик принципларга асосланган ҳолда очик-ошкора ва адолатли ўтказишга хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, қатор факт ва рақамлар ҳам тилга олинди. Маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 378 та, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурда 44 та сайлов участкаси тузилди. Дарҳақиқат, округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган.

Тадбир сўнггида иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрафлича жавоблар қайтарилди.

Дилноза НОМЗОВА,  
“XXI asr” мухбири

қилади. Шундан 134 минг 256 нафар сайловда қатнашди. 2 минг 480 нафар йигит-қиз эса жорий сайловда илк бора иштирок этмоқда.

– Туманимиздаги 63 та сайлов участкасининг барчаси партияимиздан кўрсатилган номзод тарғиботини олиб бориш учун тарқатма материаллар, хусусан, зарур жиҳоз, ҳуқуқий адабиёт, алоқа-коммуникация воситалари билан таъминланди. – дейди О‘зЛиДеП Қўбрай тумани Кенгаши раиси Зонд Абдуазимов. – Ҳозирда асосий эътиборимизни тарғибот-ташвиқот ишларига қаратганмиз. Шу мақсадда тузилган 25 кишидан иборат тарғибот гуруҳи туманимизнинг чекка қишлоқларида ҳам бўлиб, аҳолини номзодимизга – Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақириммоқда.

– Мен тадбиркорман ва бундан гуруҳланман. Чунки мен давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътиборидаман. Эркин фаолият юритаман, маҳсулотимни эркин тасарруф қиламан, эркин ҳамкор танлайман, – дейди О‘зЛиДеП аъзоси, Халқ депутатлари Қўбрай тумани Кенгаши депутати, тадбиркор Комил Мирсағатов. – Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Бизга берилган имтиёзу, имкониятларнинг қадрини хорижда бўлиб, у ердаги тадбиркорларнинг фаолияти билан қизиққан кишигина англаб етати. Иш юзасидан дунёнинг бир қатор давлатларига сафарим чоғида ҳамкорларим билан мулоқотда бўлар эканман, уларга Ўзбекистонда тадбиркорлар учун яратилаётган шароит ҳақида

гапирганимда ҳавас қилишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти яқиндагина имзолаган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони биз тадбиркорларга янада катта имконият яратди, деса муболаға бўлмайди. Буларнинг барчаси, Биринчи Ўйлушчимиз Исролом Каримов танлаган ва бугунги кунда оғишмай давом эттириб келинаётган одил сиёсатнинг натижасидир. Бугун давлатимизда муҳим сиёсий жараён – Президент сайловини ўтказишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Мен мамлакатимиздаги 500 мингдан ортиқ тадбиркорларнинг, қолаверса, О‘зЛиДеПнинг қарийб 400 мингга яқин аъзосининг бир вакили сифатида ишонч билан айтманки, фақат Биринчи Президентимизнинг муносиб ворисига, у кишининг йўлини, ишини давомчисига овоз бераман.

Вилоят сайлов участкалари, ишлаб чиқариш қорхоналари, фермер хўжалиқларида бўлган киши одамлардаги уйғоқ кайфият ва мамлакат тақдирига бефарқ эмасликка гувоҳ бўлади, уларнинг қолаверса, юрт раънақи, тинчлиги йўлида бир оила аъзоларидек жам бўлган ҳолда амалга ошираётган ишларини кўриб, кўз қувонади.

Зиёдулла МЎМИНОВ,  
“XXI asr” мухбири

### ЁШ САЙЛОВЧИ

## Мен ҳам овоз бераман!



Мафтун  
РАЙМУҚЛОВА,  
“Ишбилармон талаба”  
стипендияси  
совриндори,  
О‘зЛиДеП аъзоси,  
Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидидаги “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осовишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир” мавзусидаги маърузаси менда чуқур таассурот қолдирди.

Маърузада мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги стратегик вазифалар қаторида юртимиз келажакни бунёд этувчи ёш авлодни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятининг ўсишига кўмаклашиш, бандлик масаласини ҳал қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, айниқса, қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу эса О‘зЛиДеПнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Партия томонидан ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва бизнесини йўлга қўйиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги истиқболли лойиҳалари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзимдан қиёса: партиянинг “Диплом билан – бизнесга”, “Парламентда менин ўрним”, “Ишбилармон талаба”, “Хавфсиз интернет” каби лойиҳаларида иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимларим янада ошди. Мазкур тадбирларда соҳа мутахассислари кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармоёлар учун кредит ажратиш қоидалари ва амалиёти ҳақида маълумот беришди.

Жорий йилда “Ишбилармон талаба” стипендияси совриндори бўлдим. Келгусида оилавий қорхона ташкил этиш ниятидман. Шунини айтишим керакки, партияимиздан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида ёшларни китоб билан дўст бўлиш, аҳолининг китобхонлик даражасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан эканлигини алоҳида таъкидлагани менга жуда манзур бўлди. Шу боисдан жорий йилнинг 4 декабрь кунини ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўлаб-қувватлаш ва у кишининг раҳбарлиги остида юртимиз бундан-да тараққий этишига ишонаман!

## Борар манзили аниқ қарвонмиз

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Тошкент вилоятида ҳам муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоятнинг 18 та шаҳар ва туманларида ташкил этилган 876 та сайлов участкасида сайловчилар учун қулай шароит яратилган.

– Бизни қувонтираётгани – юртдошларимизнинг ҳар бир масалага бефарқ эмаслигида, – дейди О‘зЛиДеП Тошкент вилояти Кенгаши раиси в.б. Тўлқин Файзиёв. – Сайловчиларимиз, айниқса, бу сиёсий тадбирда илк бор иштирок этаётган ёшларимиз сайлов участкаларига келишиб, уларнинг қизиқтирган саволлар билан мувожабат қилишмоқда. Бу жуда қувонарли ҳол. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимланаётгани ушбу сайлов жараёнида яна бир бор намоён бўлаётти, десам янглишмайман. Вилоятимизнинг ҳар бир туман, шаҳарида сайлов участкалари аҳолига қулай жойларда ташкил этилди. Сайловчиларнинг ушбу жараён билан боғлиқ бирор мувожаати эътиборсиз қолмапти. Энг асосийси – ушбу сиёсий тадбирнинг юртимиз ҳаётида тугган ўрни, аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб бериш учун малакали тарғиботчи-

лар жалб этилди. Жумладан, партия вилоят Кенгаши қошида тузилган тарғиботчилар гуруҳи сайлов кампанияси давомида участкаларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишини олиб боришмоқда. Бугунги кунда барча сайлов участкаларимиз Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг таржimai ҳоли, иш фаолияти, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарасидаги хизматлари хусусидаги маълумотлар билан таъминланди.

– Оддий касб эгаларининг меҳнати дунёнинг бирор давлатида бизнинг юртимиздагидек қадрланмаса керак, – дейди Ўзбекистон Қўбрай тумани О‘зЛиДеП аъзоси Сайдали Раҳмонов. – Мен бир оддий экскаваторчман. Қарийб 40 йилдан

бўён Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатида ишлаб келаман. Давлатимиз мендек оддий бир экскаваторчини “Ўзбекистон Қўбрай тумани О‘зЛиДеП аъзоси Сайдали Раҳмоновнинг олиб боришмоқда. Бугунги кунда барча сайлов участкаларимиз Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг таржimai ҳоли, иш фаолияти, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарасидаги хизматлари хусусидаги маълумотлар билан таъминланди.

– Оддий касб эгаларининг меҳнати дунёнинг бирор давлатида бизнинг юртимиздагидек қадрланмаса керак, – дейди Ўзбекистон Қўбрай тумани О‘зЛиДеП аъзоси Сайдали Раҳмонов. – Мен бир оддий экскаваторчман. Қарийб 40 йилдан

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – сайловнинг муҳим тамойиллари

« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларимизда сайловларнинг умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш, кўппартиявийлик, муқобиллик, очиқлик ва ошкоралик, эркинлик, адолатлик ва ҳаққонийлик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳар томонлама ўз ифодасини топган.

Айни пайтда, Президент сайлови тўғрисидаги қонунчилигимизга хос муҳим жиҳатлар ҳам мавжудки, улар миллий сайлов тизимимизнинг нақадар ҳалқчиллиги ва хорижий давлатларнинг сайлов тизимларидан афзаллигини яққол намояндалар. Хусусан, мамлакатимизда сайловларни қонун талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш ва ўтказишни демократик тарзда шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссиялари ташкилланади. Аҳамиятисиз, сайлов комиссиялари мустақил ва фақат қонунга бўйсунди. Сайловларни ўтказиш давомида ҳокимият тузилмалари ёки жамоат бирлашмалари томонидан улар фаолиятига аралашшига мутлақо йўл қўйилмайди. Сайлов комиссияларининг бундай мақоми сайловни ўтказиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш баробарида сайловчилар хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш имконини беради.

Таққослаш учун шунга айтиш керакки, дунёнинг қатор давлатларида сайловларни ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи мустақил, марказлашган органлар тизими мавжуд эмас ва сайловни ташкил этиш вазифини ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклатилган. Масалан, сайловларни ташкил этиш билан Франция, Австралия ва Германияда Ички ишлар вазирлиги, Данияда Ички ва Ижтимоий ишлар вазирлиги, Финляндияда Адлия вазирлиги шугулланади. Мазкур қиёслашнинг ўзиёқ миллий сайлов тизимимизнинг демократик тамойилларга таянган ҳолда ташкил этилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Сайлов қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Қонунчилигимизга мувофиқ фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайлов кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашади. Бу борадаги хорижий тажрибага мурожаат қилганидан бўлса,

айрим давлатлар, жумладан, Австрия, Аргентина, Бельгия, Болгария, Бразилия, Греция, Миср, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатларда фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши мажбурий бўлиб, бундан бош тортганлар тегишли жавобгарликка тортилади. Масалан, Аргентинада сайловда қатнашмаганлик учун жазога тортишдан ташқари, фуқаро уч йилгача муддатга давлат тизимида масъул мансабдор шахс сифатида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Миллий сайлов тизимимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва кўлаб-қувватлаш тақиқланади. Мазкур қандай сайлов жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиялар ҳамда улар томонидан кўрсатилган номзодларга тенг имконият ва адолатли шарт-шароитлар яратилишига ҳизмат қилади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган Президент сайловини тавсифловчи энг муҳим хусусиятлардан яна бири – бу очиқлик ва ошкоралик тамойилларидир. “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида”ги қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқо-ра амалга оширилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари ҳузурда ҳам шундай марказларнинг тузилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Матбуот марказлари томонидан сайлов кампаниясининг тадбирларини тезкор ва ҳолис ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнга бағишланган брифинг, матбуот анжуманлари мунтазам равишда ташкил қилинмоқда.

Айни пайтда, Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ёритиш учун 500 дан ортиқ чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг вакилларини аккредитациядан ўтказгани ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мунтазам эфирга узатишмоқда, сайловчиларга сайлов жараёнининг барча босқичларини тушунирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилмоқда.

Сайловларни демократик талабларга мос тарзда ўтказишда кузатувчилар институтининг ўзига хос ўрни бор. Шу боис ҳам қонунчилигимизда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда нафақат

маҳаллий, балки хорижий кузатувчиларнинг ҳам иштирок этишига оид муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қатнашиш учун кўлаб хорижий давлатлардан кузатувчилар, шунингдек, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларининг таклиф этилгани сайловларнинг ошкоралик муҳитида ўтаётганидан далолатдир.

Шу ўринда юртимизда демократик, эркин ва адолатли сайлов принциплари қонунчилик билан ишончли ҳимоя қилинишини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, маъмурий ва жиноят қонунчилигимизда сайловни ўтказишга оид принциплар, қоидаларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик қоралари қатъий белгилаб қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайловларни эркинлик, адолатлик ва рақобат муҳитида ўтказишнинг энг муҳим шартларидан бири – бу сайлов тўғрисидаги қонунчиликни мамлакатда кечаётган демократик ўзгаришларга монанд тарзда изчил янгиланган боришдан иборатдир. Шу маънода 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эътиборга моликдир. Унга кўра қонунга бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига оид, қамоқда сақлаш жойларида овоз беришни тартибга солиш, сайловчилар рўйхатини тузишга доир, сайловдаги ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усул ва турлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, муддатидан аввал овоз бериш тартибининг янада соддаштирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни кўлаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар томонидан йиғиладиган имзо варақаларининг сонини қисқартиришга оид муҳим янги нормалар киритилди. Мазкур янгиланишлар миллий сайлов қонунчилигимизнинг янада такомиллашувига ҳизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, миллий қонунчилигимиз, ҳеч шубҳасиз, жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларимиз талабларига, халқаро стандарт ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, очиқ ва ошкоралик асосида ўтказиш имконини беради.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси**  
**аъзоси, юридик фанлари номзоди**

# Қишлоқдаги ислохотлар локомотиви

✓ Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи, Бош вазир, мамлакат Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездида аграр шўбада ислохотларга етакчилик қилаётган фермерлик ҳаракатини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш кераклигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам истиқлолнинг чорак асри давомида фермерлик ҳаракати юрт тараққиётининг муҳим локомотивларидан бирига, наинки саноатнинг хомашё негизига, балки ўз ишлаб чиқаришини ташкил этаётган, экспортбоп маҳсулотларини кўпроқ жаҳон бозорига чиқаришга ҳаракат қилаётган, қишлоқда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кўтаришда, бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда асосий куч бўлган мулкдорлар синфига айланди.

– Яқин кунларда 2017 – 2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш якунига етказилади, – деди Шавкат Мирзиёев партия съездидаги маърузасида. – Дастурга мувофиқ, экин майдонларини оптималлаштириш, пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириш таъминланади. Асосий эътибор экспортга йўналтирилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилади!

Маърузада ургу берилганидек, бу ишларнинг ижроси барқарор ҳосил олиш, бутун агросаноат комплексини изчил ривожлантириш, айни чоғда фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашга ҳизмат қилади. Мустақиллик шарофати билан фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши натижасида одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати тубдан ўзгарди, уларда чинакам эгаллик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси пайдо бўлди. Бугунги фермерлар нафақат пахта, галла, сўт, гўшт, сабзавот, узум, асал ва бошқа маҳсулотларнинг етишти-рувчиси, балки замонавий қишлоқ инфратузилма-сининг яратувчиси, бунёдкори, маҳсулотларни қайта ишлаб чиқарувчи янги иш ўринларининг муаллифи, илғор бизнес эгасидир. Соҳа эгаларининг ҳар томонлама кўлаб-қувватланиши натижасида бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 5 минг 357 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

– Фермер хўжалиқларимиздан 4 минг 163 таси кўп тармоқли фермер хўжалиқларига айланган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши раиси, Жўқорги Кенгес депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони Сарсенбой Сейитназаров. – Худуддаги фермер хўжалиқларидан 3 минг 663 таси пахтачилик ва галлачилик, 530 таси боғдорчилик ва узумчилик, 448 таси чорвачилик билан шугуллан-моқда. Диверсификация жараёни фермерлик ҳара-катига ҳам дадил кириб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида авваллари эътибордан четда қолган, аммо эл дастурхонини тўлдирди, озиқ-овқат тўқинлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган парран-даччилик, балиқчилик ва асаларчилик борасида салмоқли натижаларга эришилаётганини қайд қи-лиш мумкин.

Айни кунда иккала ҳудудда ҳам фермер хўжа-ликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уни қайта ишлаш, ўз рақобат-бардош маҳсулотини асосан экспортга чиқариш, қишлоқда саноатни олиб кириш орқали янги иш ўрни яратиш бўйича таҳсинга лойиқ ишларни ба-жаришмоқда. Қишлоқда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларнинг изчил бажарилиши, шу жум-ладан, қишлоқ мулкдорларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар соҳадаги ўзгаришларга йўл оч-моқда. Фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўлишига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти-да ҳам жами ҳайдалаётган ерлар ҳамда етиштири-лаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермерларимиз ҳиссасига тўғри келмоқда.

– Вилоятимизда қишлоқ мулкдорлари тасарру-фига жами 240 минг 869 гектар ер берилган, – дейди Хоразм вилоят фермерлар кенгаши раиси Курбонбой Сафоев. – Шундан 189 минг 606 гектари ҳайдалади-ган, унумдорлиги муттасил оширилиб, мелиоратив ҳолати яхшиланиб бораётган ерлардир. Худудда 8 минг 517 та фермер хўжалиги тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. Азалдан воҳамиз ўзининг болдай ши-рин мевалари билан шухрат таратган. Юқорида қайд қилинган фермер хўжалиқларидан 33 минг 874 таси боғдорчилик ва узумчилик билан шугулланаётгани ана шу доғруғимизни тиклаш йўлидаги хайрли қа-дамлардир. Утган тўққиз ойда вилоятда 1 минг 270 та фермер хўжалиги кўп тармоқли мақомини олди. Демак, бугунги фермер саноатчи, товар ишлаб чиқарувчи, модернизация ва маҳаллийлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Улар орасида лидерлик иқтидорига эга мулкдорлар кўпаймоқда.

Бу хулосанинг ёрқин исботини иккала ҳудуд ми-солида ҳам яққол кўриш мумкин. Биринчиси Тах-такўпир туманида Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитой Адиллов яратиб кетган бетакор маҳаббат бўлса, ик-кинчиси яна бир Ўзбекистон Қаҳрамони, боғотлик миришкор, мулкдор Машариф Қувақовдан қолган “Қаҳрамон орзуси” фермер хўжалигидир. Иккала фидойий инсон ҳам қишлоқ хўжалигини ривожланти-риш борасида ибратли ишлар қилишди. Энг муҳими, уларнинг издошлари бу зғу ишларни янги поғона-га кўтарди. Пироваддида тахтақўпирлик Сарсенбой Сейитназаров, боғотлик Шарифбой Ражабовлар меҳнати юксак қадрланиб, мамлакатимизнинг Би-ринчи Президентини фармонига биноан “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган шарафли номга сазовор бўлишди.

– Фермерлик ҳаракати нафақат аграр шўба ривожига, балки бутун иқтисодий тизимнинг жадал тараққий топиши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини кескин оширишга ҳизмат қилмоқда, – дейди Боғот туманидаги “Боғот” фермер хўжалиги раиси Ша-рифбой оға. – Мазкур ҳаракат чин маънодаги замон талаби, ҳаёт тақозосидир. Мен салкам ярим асрдан буюн қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб келаман. Ле-кин ҳеч бир замонда қишлоқ аҳли бундайин эркин нафас олган эмас. Ҳеч қачон деҳқоннинг бу қадар ошиғи олчи бўлган эмас. Эсимда: азиз устозим, кейинчалик истиқлол шарофати билан мамлақати-мизнинг эъзозли кишиларидан бирига айланган Ма-шариф Қувақов вилоят микросида катта лавозимда ишлаб юрган кезлари бир йилгина гапирганида ун-дан бошқа миллат тилида сўзлашни талаб қилишган эди. Раҳматлик Машариф ака ўша минбарнинг ўзида ишдан бўшаш ҳақидаги аризонсини ёзиб, зални тарк этганини ҳалиям кўпчилик гапириб юради. Алоҳида беадад шукрки, шундай фидойий инсон мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлди.

Шахсан мен партия анжуманида Шавкат Мирзиёев-нинг маърузасини тинглаб ўтириб ниҳоятда тўқин-ланиб кетдим. Узим ва ўз жамоам, бошланғич партия ташкилотимиз учун янги режаларни ўйладим. Маъ-рузада фермерлик ҳаракати орқали диёримизнинг ободлиги ва иқтисодий фаоллигини ошириш, аграр соҳани янада ривожлантириш, қишлоқ мулкдорла-рига яратиб берилаётган шарт-шароитларни юқори поғонага кўтариш каби муҳим вазифалар илгари сурилди. Айниқса, ундаги “**Партияимизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодий тарқатувчи барқарор ўсишининг энг муҳим қафолатидир**”, деган сўзлар бизга ўзгача руҳ бағишлади.

Муҳтасар айтганда, шу йилнинг 4 декабрида ўзим ва кўп сонли сафдошларим мамлакатими-зи барқарор ривожлантириш, унинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, мулк-дорлар синфини манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ташаббускори сифатида танилган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-зод, ҳурматли Шавкат Мирзиёев номзоди учун овоз берамиз!

**Янгибой ҚУЧҚОРОВ,**  
**“XXI as” мухбири**

# Сайловолди штабида иш қизғин

✓ Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараён Навоий вилоятида ҳам қизғин тус олган.

Таъкидлаш жоизки, си Президентини сайловни вилоят ҳудудий партия тўғрисидаги қонун, Мар-казий ҳамда вилоят сайлов комиссияларининг Президенти сайловини ўтказиш билан боғлиқ қарорлари, партия устави ва дасту-ри, шунингдек, марказий ва маҳаллий газеталар тах-ламлари қўйилган.

Махсус кўргазма тахта-сида штабнинг иш режаси, аъзолари рўйхати ва вазии-фалари ҳамда навбатчилар рўйхати жойлаштирилган.

– Сайловолди шта-бимизда доимий навбат-чилик ташкил этилган, – дейди O‘zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши партия-вий ташкилий ишлар бўлими мудири Қобил Астанов. – Штаб навбат-бу ерда қаттиқ ва юмшоқ мебель, ахборот-комму-никация воситаларига эга махсус хона ажратилган бўлиб, унда Конституция, ради, муҳим жараёнга тадорик кўриш жараё-

нида барча партиявий тузилмаларни норматив, услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади, мавжуд муаммолар ҳақида штаб бошлиғига зудлик билан ахборот беради. Раҳбария-ят топшириқларини ижро-чиларга етказди. Умуман олганда, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзо-лари, жамоат арбоблари,

вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи-лар, нурунийлар, илғор фермер ва тадбиркорлар ҳамда партия аппарат ходимларидан иборат бўлган сайловолди шта-бининг иши самарали бў-лишига интиляймиз.

**Мансур АСЛОНОВ,**  
**“XXI as” мухбири**

✓ Айни кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини умумэтироф этилган демократик тамойиллар, халқаро андозалар ва миллий сайлов қонунчилиги асосида юқори са-вияда ташкил этиш ва уни уюш-қоқлик билан ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. O‘zLiDeP Тошкент вилояти, туман (шаҳар) Кенгашлари қошида тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари учун ташкил этилган ўқув-семинарида ана шу долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

# Тарғиботчилар учун ўқув-семинари

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили ҳамда ҳудудий партия ташкилотларининг сайловолди ташвиқотларини ўтказишда-ги ўрни алоҳида қайд этилди. Шунингдек, сайлов томонида сайлов участкаларига сиёсий партиялар кўрсатилган қўйиладиган кузатувчиларнинг вазифалари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, партия тарғиботчиларининг сайловчилар билан ишлашда аҳоли, айниқса, ёшларни бирдек қамраб олишга қаратилган замонавий методлардан фой-даланиши каби вазифалар юзасидан фикр-мулоҳа-залар билдирилди.

**O‘zLiDeP Тошкент вилояти**  
**Кенгаши Матбуот хизмати**

# ЖАРАЁН



**Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган даври мобайнида O'zLiDeP аъзолари сони деярли 47 минг нафарга кўпайди. Хўш, улар кимлар? Уларни сафимизга қўшилишга қандай куч ундамоқда? Партияга аъзолик шунчаки ҳавас, ўзгаларга тақлидми ёки аниқ фуқаролик позициясими?**

Олти ой муқаддам партияга аъзолик гувоҳномасини олган навқирон тардбиркор Фаррух Фазлиев пойтахтимиздаги энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Real Renessans" хусусий корхонасига раҳбарлик қилаётди. У Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тахсил олган. Наинки ишнинг кўзини билладиган тардбиркор, балки сиёсий куч дастурий ғояларига содиқ, қатъиятли ва ишчан партия фаоли сифатида ҳам тез танилиб бораётди. Ҳаммаслагимиз ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини бетиним изланиш ва ишлашда, яқинлари ва ҳамюртларига наф келтиришда, деб билади. Ф. Фазлиев O'zLiDeP Миробод туман Кенгаши аъзоси, корхонада асос солинган бошланғич ташкилот раисидир.

## Қалб қўрини бағишлаш керак

**– Айнан O'zLiDeP сафига киришингизнинг босиси нимада?**

– Мутафаккирлар айтганидек, ҳамма нарса қийсда билинади. Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирда ҳам дунёда шундай сиёсий кучлар, партиялар борки, улар ҳокимият тепасига келган мамлакатларда ишбилармон, ҳаракатчан, таъбир жоиз бўлса, тошда гул ундиришга қодир инсонлар ўз салоҳиятини рўйбга чиқара олмаётдилар. Бундай ҳолатлар ўтмишда ҳам бўлганидан хабардоримиз. Хуллас, ана шундай ўлжаларда жамият олға силжишдан тўхтайдиган, халқнинг ижодкорлик ғайрати, келажакка ишончи сўнади.

Бизнинг Ватанимизда эса тардбиркорлик, яратувчилик, бунёдкорлик ғояларини рўйбга чиқариш иштиёқи билан яшаётган инсонлар учун жамияти имконият ва шароитлар муҳайё. Эътиборлиси, гарчи барча жаҳонларда улкан ютуқларга эришаётган бўлса-да, хотиржамликка берилмаяпти. "Кўзланган мақсад-муддаоларга эришиб бўлдиқ, бас", қабилидаги қарашлардан йироқимиз. Бинобарин, ҳамма соҳалар изчил, тизимли равишда ривожла-

няпти, тобора мукамаллашиб борапти. Кичик бизнес ва хусусий тардбиркорлик ҳам бундан мустасно эмас. Мисол учун, тардбиркорларимиз вақт ўтгани сайин турли идоралар томонидан ўтказиладиган ортиқча назорат, бюрократик тўсиқлардан халос бўлишмоқда. Шунинг учун ҳам мулк эгалари манфаатини ифодаловчи O'zLiDePнинг обрўси юксалиб, қўллаб-қувватловчилар сафи кун сайин кўпайяпти.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Тардбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон нафақат ўрта синф, балки бутун халқимизни ғоят қувонтирди. Чунки ишбилармонлар эмин-эркин, бемалол ишласа, эл-юрт фаровон бўлади, халқнинг турмуш кечирishi, яшаш даражаси ошади, мамлакат гуллаб-яшнайдиган.

Ушбу сиёсий куч сафига ўтар эканман, нафақат унга таяниш ва мадад олишни, қолаверса, бошқа

тардбиркорлар билан мулоқотга киришиш, тажриба алмашишни ҳам ният қилгандим. Янгилашмаган эканман. Партия менга ана шундай кенг имкониятлар яратиб берапти. Мазкур сиёсий қадамни дадиллик билан қўйишимиз партия Миробод тумани Кенгаши аппарати раҳбари Гулришно Умурақова билан O'zLiDeP фаолияти, дастурий вазифалари тўғрисидаги суҳбатлар ҳам алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлашни истардим.

**– Мамлакатимиз истиқболи учун улкан аҳамиятга эга сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик тобора қизиб тус оляпти. Ўзингиз етакчилик қилаётган партия таянч нуқтасининг мазкур сиёсий кампаниядаги иштироки ҳақида нима дея оласиз?**

– Партия туман ташкилотининг сайловолди штаби фаолияти билан боғлиқ турли юмушлар бажарилишига кўмаклашяпти. Маълумки, сайловолди жараёнида тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Партия туман ташкилоти билан ҳамкорликда ана шундай тардбирлар ўтказишга жиддий ҳозирлик кўряптим. Учрашув ва мулоқотларда фуқароларни

сайловда фаол қатнашишга, партияимиздан кўрсатилган муносиб номзодга овоз беришга чақирамиз. Айниқса, Сайловчиларда номзод ва унинг сайловолди дастури тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлишига эришишимиз даркор. O'zLiDeP туман Кенгаши тарғибот гуруҳи аъзоси сифатида бу борадаги ишлар самарадорлигига хизмат қилувчи бир неча тақлиф, тавсия тақдим этдим.

Айтганча, ўзим Тошкент шаҳридаги 211-сайлов участкасига кузатувчи этиб тайинланганман. Бу эса сайлов пайтида очик ва ошкоралиқнинг таъминланишига ўз ҳиссамни қўйишим учун яна бир имкониятдир.

**– Куйи бугунининг аҳоли, электротартиб вакиллари орасидаги мавқени ошириш, унга ишончни мустаҳкамлаш учун яна қандай ишлар амалга ошириляпти?**

– Бошланғич ташкилотимиз 51 аъзони бирлаштирган. Таянч тузилмамизда кенгаши ҳам тузилиб, унинг таркибидан энг иқтидорли, сергайрат беш сафдошимиз ўрин олган. Фаоллар ташаббуси билан яқинда корхона атрофидаги маҳалларда тозалаш, кўкаламзорлаштириш ҳашарини

уюштирдик. Спорт, соғлом турмуш тарзини омалаштириш мақсадида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида футбол турнири ўтказдик.

Шунингдек, ҳар бир мурожаат диққатимиз марказида. Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг 5 нафар битирувчиси безак ишларига ихтисослашган хунармандчилик корхонаси очишда кўмак сўрашганди. Бизнес-режа тузиш, янги субъектнинг рўйхатдан ўтказиш каби ишларда уларга нафимиз текканидан хурсандимиз. Тасарруфимиздаги бинолардан бирини бошловчи тардбиркорларга бепул фойдаланиш учун бердик.

Ёш партиядошимиз, деҳқончиликка иштиёқи банд Шероз Мелибоевга Урта Чирчиқ туманида 15 гектар интенсиф боғ барпо қилиб, "Агро маҳсулот инвест" агрофирмасини ишга туширишга молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларда ёрдам бердик. Бошланғич ташкилотимиз аъзолари орасида қобилиятли йигит-қизлар кўп. Масалан, Хусния Саидмуродова маҳсулотларнинг янги дизайни ҳамда хомашёни қайта ишлашнинг ноанъанавий усулларини яратиш бўйича изланаётган бўлса, Амри Фахриддиновнинг ташкилотчилик қобилиятдан завқингиз келади. Амри Фахриддинов қарийб барча катта-кичик тардбиркорларга бош-қош бўлиш билан бир қаторда баъзи тиббий жиҳоз ва дори воситаларини юртимизда ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб борапти.

**– Сўзларингиздан аён бўляптики, таянч бугун каттагина салоҳиятга эга. Келгусида қандай ишлар амалга оширилиши мўлжалланапти?**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўп ташкилотларда бўлгани каби, бизда ҳам билимдон, тиришқоқ мутахассисларга эҳтиёж бор. Шу сабабли партия туман бўлими масъулларини жалб этган ҳолда касб-хунар коллежи ҳамда олий ўқув юрталари битирувчилари билан суҳбатлар ўтказиб, улар орасидан энг муносибларини корхонамиз ва ҳамкор фирмаларга ишга олмақчимиз. Шу билан бирга корхона қошида "Тардбиркорлик асослари" номли ўқув курси ташкил этиш ниятимиз.

**– Тақриқий сифатида хусусий бизнесга эндигина кириб келаётган ишларга қандай маслаҳат берасиз?**

– Ҳақиқий тардбиркорлик одамдан куч-қувват, ақл-заковат ва қалб қўрининг бир қисмини эмас, бутунлигича, тўлалигича талаб қилади. Биргина шу фикр эҳн-идрокли ишларнинг теггишли хулоса чиқаришлари учун кифоя қилади, деб ўйлайман.

**"XXI asr" мухбири Бехзод ИСРОЙЛОВ суҳбатлашди.**

### ҚАШҚАДАРЁ:

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўҳна ва навқирон воҳа – Қашқадарёнинг салмоқли ўрни бор. Истиқлол шарофати билан вилоятда ислохотлар чуқурлаштирилиб, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини тубдан яхшилашга эришилмоқда. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик йўналишидаги ишлар тобора кенг кўлам касб этаётганини мамуният билан таъкидлаш керак. Буни вилоят маркази – қадим Насаф, яъни Қарши шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда шаҳар ўзгача чирой касб этиб, бутунлай янги, замонавий қиёфага эга бўлди. Унинг истиқболи янада порлоқ. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 июлдаги "Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ва унда кўзда тутилган вазифалар шундай дейишга тўла асос бўлади.

#### КЎҲНА НАСАФНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Давр ўзгариб, истиқлол шарофати туфайли замонашларимиз қабидаги эзгу орзу-ниятлар рўйбга чиқмоқда. Зеро, ободлик кўнглидан бошланадиган деҳқончилик, юқорида тилга олинган истиқболли қарорга мувофиқ, Қарши шаҳрида қурилиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун жами 507 миллиард сўм миқдориде маблағ йўналтириш режалаштирилган. Ҳозиргача ана шу маблағнинг асосий қисми тўлиқ ўзлаштирилди. Натижада 32 та кўп қаватли турар жой, 88 та сунъий кўл, 3 та кўприк, 139 та инфратузилма объекти барпо этилди. Шунингдек, 65 километрлик электр, 35 километр 400 метрлик ичимлик сув, 22 километр 700 метрлик канализация, 32 километр 500 метрлик газ ва сугориш тармоқлари қурилди ва қайта реконструкция қилинди. Айни пайтда шаҳардаги 6 та асосий кўчада таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Қолаверса, йўлларга асфальт қопламалари ётқизиш ҳамда худудларни кўкаламзорлаштириш учун 120 миллиард 900 миллион сўм миқдориде сармоя йўналтирилди.

Бугунги кунда юртимизда намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш тобора оммавий тус олмақда. Зеро, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжлари шунчакоразо этаётди. Ўтган қисқа давр мобайнида Қарши – Шаҳрисабз шаҳари йўналишида ҳам 262 та замонавий турар жой барпо этилди ва ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилди. Барча қўлайликларга эга бўлган ушбу иншоотлар ўзига хос меъморий услубга эгаллиги билан ҳам алоҳида қимматга эгадир. Бунёдкорлик ишлари аниқ режа асосида босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Жумладан, Қарши – Шаҳрисабз, Қарши – Бешкент йўналишидаги автобекетлар тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Айни кунда Қарши

– Самарқанд, Қарши – Бухоро, Қарши – Термиз йўналишидаги шохбекетлар қайта реконструкция қилинмоқда. Йўловчиларга қўрсатилган хизмат сифати ва маданиятини ошириш мақсадида "Исузу" русумли 150 та янги, замонавий автобус харид қилиш режалаштирилган. Ҳозиргача шундан 70 таси сотиб олинди ва муайян йўналишлар бўйлаб уларнинг доимий қатнов йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим маълумот. Шаҳар марказидаги кўчалардаги эски чинор ва бошқа хил дов-дараклар ўрнига табиий иқлимга мос 9 минг 500 та манзарали кўчалар экилди. Эндиликда улар ёлпасига кўкариб, тева-рат-атроф ҳуснига хусн қўшмоқда. "Янги-боғ" насос станцияси, "Айрум" ҳамда "Эски Бешкент" каналларини қайта таъмирлаш ҳисобига 12 та маҳаллада яшовчи аҳолининг томирқа ва боғларини сугориш муаммоси тўлиқ ҳал этилди. Бу ҳам бўлса, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлидаги хайрли амаллардандир.

Кейинги уч йил мобайнида шаҳар худудиде 122 та кўп қаватли уй-жой барпо этилди ва бунинг учун тижорат банклари томонидан 390 миллиард 4 миллион сўм миқдориде кредит сармояси йўналтирилди. Энг муҳими, янги уйлар маҳаллий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қурилган бўлиб, уларнинг барчаси замонавий талабларга тўла жавоб беради. Турар-жойларнинг биринчи қавати савдо, умумий овқатланиш, кенг тармоқли маиший хизмат шохобчаларига мўлжалланган. Бу эса фуқаролар учун янада катта қўлайлик туғдирилмоқда. Сирасини айтадиган бўлсак, бунёдкорликнинг қамрови кенг. Бозор талабидан келиб чиқиб, кейинги йилларда шаҳар худудиде 139 та ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилди. Шундан 69 таси савдо ва умумий овқатланиш, 44 таси маиший хизмат шохобчалари, 6 таси мактаб ва касб-хунар коллежлари, 3 таси тиббиёт ҳамда замонавий спорт иншоотларидир.

## Бунёдкорлик мўъжизалари

Маълумки, Биринчи Президентимиз 2015 йилда Қарши шаҳрига сафари чоғида Қашқадарё қирғоқларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, бу ерда янги дам олиш масканлари барпо этиш юзасидан қимматли маслаҳатларини берган эди. Айни кунда шу асосда кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Дам олиш зоналарини ташкил этиш ишларини амалга ошириш учун жами 118 миллиард 8 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Жумладан, 3 та янги тўғон қуриб битказилди, дарё кўприги атрофи сув ўзанининг 2 километрлик худуди тўлиқ бетонлаштирилди. Бунинг учун 6 миллиард 9 миллион сўм миқдориде маблағ сарфланди. Дарё соҳилларида 4 минг 22 та манзарали даракт кўчалари ўтказилди. Ҳозирда улар тўлиқ кўкариб, ажиб яшил манзара касб этган. Дарё атрофида 14 та коллеж, 4 та кафе-бар, 4 та сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди ва фойдаланиш учун топширилди. Яратил, бунёдкорлик соҳасидаги саъй-ҳаракатлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, янги азму шижоат билан босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

#### СОҲИБҚИРОН ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

Қадимда Кеш номи билан дунёга танилган "яшил шаҳар" – Шаҳрисабз Юртбошимиз томонидан "Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари", деб бежиз таърифланмаган. Зеро, ЮНЕСКО шъафелигида бу қадим шаҳарнинг 2700 йиллиги кенг нишонланганлиги ҳам етти иқлимга таърифи кетган манзил довуғини дунёга таратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги "Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, худудни архитектуравий режалаштириш, қиёфасини яхшилаш мақсадида 36 та объектда 97,5 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, хусусан, қисқа муддатда Оқсарой мажмуасини Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари билан бирлаштирувчи хиббонда ишлар ниҳоясига

етказилди. Эътиборли жиҳати, одам нафасини қайтарадиган бетон майдонлар ўрнида гулзорлар билан ўралган яшил худуд барпо этилиб, шаҳар марказида ўзига хос микроклим яратилди.

Маълумки, Шаҳрисабзга келаятган сайёҳлар таомилга кўра, зиёрат ва сажъатни даставвал Соҳибқирон Амир Темур хайкали пойидан бошлашади. Шунинг учун ҳам бу муборак жойнинг атрофи ҳукумат қарори билан тасдиқланган бош режага кўра, бутунлай қайтадан ўзгартирилди. Бугун қадим гўшага қадам ранжида қилган киши бу хиббондан Дорут-тиловат мажмуаси худудидега бўлган кўчалар энг замонавий тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозланганга ва яшил майдонлардаги сугориш тизимларининг ҳам бутунлай янгиланганига гувоҳ бўлади. Насиб этса, шу худуддаги барча тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоотлар қайта таъмирланиб, яқин орада кўзаларни қувонтиришига шубҳа йўқ. Энг қизиги, бундан беш-олти йилгина аввал ҳам ана шу муқаддас масканининг қисқа вақт орасида ажойиб меъморий мажмуага айланиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз.

Янги ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш учун 802 миллиард 4 миллион сўм миқдориде сармоя йўналтириш кўзда тутилганди. Ҳозиргача шундан 497 миллиард 5 миллион сўми тўлиқ ўзлаштирилди. Натижада шаҳарнинг тарихий майдони, Кичик ҳалқа ва Ипак йўллари бўйлаб 16 та замонавий турар-жой, 72 та савдо шохобчаси ҳамда 108 километр 100 метр узунликдаги газ, электр, канализация, ичимлик сув тармоқлари янгидан барпо этилди. Айни кунда "Ховузи майдон" объекти ва Амир Темур хиббонининг биринчи навбатини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бунёдкорликнинг яна бир гўзал исботи сифатида ушбу дастур доирасида Осие тараққийёт банки кредити асосида 129 километрлик "Қарши – Шаҳрисабз – Китоб" автомагистралнинг тўрт тасмалига айлантирилатганлигини тилга олиш жоиз. Жами 150 километрлик ички йўлларнинг кенгайтирилатганлиги, "Шаҳрисабз" бош автобекетини қайта реконструкция қилиш режалаштирилатганлиги,

"Гулистон" массивида янги автобекет қуриш ишлари амалга оширилиши белгиланганлиги, келгусида шаҳар кўчаларида электромобиллар қатновини йўлга қўйиш, сайёҳлар учун алоҳида йўналишлар ташкил этиш ҳам дастурдаги чора-тадбирлар режасига киритилганлиги истиқболдаги қувончли, ўзига хос ўзгартиришларга пойдевор бўлажак. Умуман, ўтган қисқа вақт давомида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун 47 миллиард 7 миллион сўм миқдориде маблағ йўналтирилди. Бош режага асосан шаҳар худудини 3 минг 300 гектардан 4 минг 900 гектарга кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Қурилиш ва таъмирлаш ишларининг лойиҳаларини тайёрлашда миллий меъморчилик аъёналари билан бир қаторда замонавий архитектура ва шаҳарозлик ечимларидан кенг фойдаланилатганлиги ҳам диққатга молиқдир.

Биринчи Президентимизнинг бу кўҳна шаҳарга бўлган ўзгача меҳр-муҳаббати ва эҳтироми, қолаверса, бевосита ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Шаҳрисабзнинг нафақат Ватанимиз, балки дунёдаги энг сўлим ва обод манзил, зиёратчиларни оҳанрабодек ўзига тортиб, чорлаб тургувчи йирик туризм марказига айланишига замин бўлади, десак янгилашмаймиз.

#### ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

– Қашқадарё, биз, қашқадарёликлар учун энг азиз, энг қадрли макон, – дейди вилоят ҳокимининг саноат, капитал қурилиш ва коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Тошқўрғон РЎЗИЕВ. – Негаки, барчамиз шу заминда туғилиб ўсганмиз, унинг ону тузини татганмиз. Мана, ниҳоят, қарзимизни узадиган фурсат етди. Бунга эса эл-улус ташвишларига елка тутиш, унинг орзулари ижобати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш орқалигина эришиш мумкин. Гап турмуш маданияти ва фаровонлигини янада ошириш хусусида кетаётди. Очиги, қурилиш-бунёдкорлик йўналишидаги савоб амаллар бугун нафақат Қарши, Шаҳрисабз каби қадим шаҳарлар, балки вилоятнинг узок ва чекка худудларидаги қишлоқларда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

**Носир ТОШЕВ, Мусурон РЎЗИЕВ, "XXI asr" мухбирлари.**

## МУНОСАБАТ

✓ Бугунги кунда мамлакатимизда 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши қарийб 60 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни республика-мизда янада ривожлантириш мақсадида уларга имтиёз ва имкониятлар берилмоқдаки, натижада импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотларнинг тури ҳамда салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳат – республика-мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши баробарида давлатимизнинг импорт салоҳияти ҳам ўсиб борапти.

## “Истиқлол” да видеомулоқот

Айни ана шу фикрлар Тошкентдаги “Истиқлол” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ва унда тадбиркорларга яратилган имконият ва имтиёзларга бағишлаб ўтказилган мулоқотда айтиб ўтилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар, Бош прокуратура, Давлат солиқ ва боғхона қўмиталари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари-нинг масъул ходимлари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари иштирок этишди. Видеомулоқот тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда бевосита “Туркис-тон” санъат саройи, Ўзбекистон Миллий академик театри, Темир-йўлчилар маданият саройи ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти, маҳалла фуқаролар йиғинларига йиғилган 38 мингга яқин тадбиркор ҳам ишти-рок этди.

Даставвал Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Иштиёр Абдуллаев мазкур фармоннинг аҳамияти ва тадбиркорларга берил-ган имтиёз ҳамда имкониятлар тўғрисида батафсил тўхталар экан, тадбиркорлар фаолиятига аралашув қисқаргани, ҳуқуқбузарликлар-нинг барвақт олди олиниши, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат органлари олдида турган муҳим вазифа этиб белгилангани ҳақида гапирди. Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинган, биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъекти етказилган зарарни ихтиёрий бартараф этганда, жавобгарликдан озод қилини-ши, мазкур субъектларга нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораларини қўллаш тақиқлангани ҳақида атрофлича тўхталди ўтди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев эса фармонга кўра 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар қандай текширувлар фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсати билан амалга оширилиши, муқобил текширишлар эса умуман бекор қилиниши соҳа эгаларининг эркин фаолият юртиши учун яратилган яна бир имконият эканини таъкидлади.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил инсти-тути ташкил этилиши, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қо-нун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳақида ахборот берилди. Бош прокурор Иштиёр Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда имзо-ланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг аҳамияти тўғрисида ҳам сўз юритди. Умуман олганда, мамлакатимизда ишбилармонлар учун ярати-лаётган бундай имконият ва имтиёзлар маҳаллий ҳамда хорижий ком-паниялар, қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар-нинг эркин фаолият юртиши ва натижада иқтисодий-иқтисоднинг янада ривожланиши, давлатимизни янада тараққий этиши йўлида ўзига хос мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
“XXI asr” мухбири

# Тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолати

## юксалиш ва фаровонликнинг муҳим омилдир

Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратила-ётган шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар нафақат мам-лакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, балки юртдош-ларимизнинг яшаш даражаси, турмуш фаровонлигининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Республикамизнинг Биринчи Президенти томонидан бу борада илгари сурилган ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал риво-жланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳ-атидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги фармон ўз вақтида қабул қилинганини мутахассис-лар ҳам эътироф этишмоқда.

Фармоннинг долзарблиги шундаки, бунда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёса-тининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси белгилаб берилди. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, бу қатлам фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъмин-лаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик каби жиҳатлар давлат органларининг асосий вазифаси сифатида қайд этилди.

Келаси йилдан бошлаб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белги-ланган муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва ет-казилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкция-лар қўлланилишидан озод этилади. Албатта, бу ўз навбатида билиб билмасдан биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолишидан сақлайди ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан чора кўришга имконият беради.

Шунингдек, қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни илк марта содир этган шахслар ҳам ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъек-ти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳуж-жатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бу эса рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорликни амалга ошираётган шахсларга фаолияти-ни қонунийлаштиришга шароит яратади.

Бундан ташқари, мазкур фармонга асосан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари қўлланилмайди. Ҳозирда Жиноят кодексининг бир неча моддаларига мувофиқ асосий ёки қўшимча жазо сифати-да тадбиркорлик субъектларига нисбатан бундай жазо тури қўлланилиб келинаётган бўлиб, бу ҳолат фуқароларимизнинг маълум муддат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклаб қўяётган эди. Тадбиркорларимизга нисбатан бу турдаги жазонинг қўлланилмаслиги уларнинг келгусида ўз фаолиятини изчил давом эттиришга хизмат қилади.

Адлия вазирлиги Тадбиркорлик субъектлари ва хори-жий инвестициялари ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ақтам Мухаммадиев билан бўлган суҳбатимиз айнан ана шу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳи-яти ҳамда вазирлик томонидан ушбу фармон ижроси дои-расида амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

– **Ақтам ака, фармонга кўра 2017 йил 1 январдан режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Бу тадбиркорлар учун қандай имкониятлар яратиб беради?**

– Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва хори-жий инвестициялари ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ақтам Мухаммадиев билан бўлган суҳбатимиз айнан ана шу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳи-яти ҳамда вазирлик томонидан ушбу фармон ижроси дои-расида амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

– **Ақтам ака, фармонга кўра 2017 йил 1 январдан режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Бу тадбиркорлар учун қандай имкониятлар яратиб беради?**

– Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва хори-жий инвестициялари ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ақтам Мухаммадиев билан бўлган суҳбатимиз айнан ана шу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳи-яти ҳамда вазирлик томонидан ушбу фармон ижроси дои-расида амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

– **Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралаш-ганлик ёки тўқсонлик қилганлик учун эндиликда қандай жавобгарлик чоралари қўлланилади?**

– Ушбу муҳим ҳужжат талабига асосан, мутасадди дав-



ЎЗА сурати

лат идораларига тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўқсонлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосий тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қонунчилигимизга кўра, тадбиркорлар фаолиятига ноқо-нуний аралашганлик ёки тўқсонлик қилганлик учун давлат идоралари мансабдор шахслари интизомий, маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. 2015 йил 21 август-дан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўқсонликни бартараф этишга қара-тилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун-га асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят ко-дексларига 11 та моддан иборат алоҳида боғлар киритилиб, тадбиркорликка тўқсонлик қилганлик учун давлат идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда адлия ва прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида қўлланилган таъсир чоралари натижасида тадбиркорлар ҳуқуқларини бузган 1 минг 567 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, шундан 82 нафари вазифасидан озод этилди, 586 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Давлат идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи 949 та ноқонуний ҳужжати бекор қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорларга етказилган зарарларни мансабдор шахсларнинг қўнғидадан ундиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган ҳисобот даврида судларга тад-биркорлар фойдасини кўлаб 189 нафар мансабдор шахсдан 114 миллион 600 минг сўм моддий ва маънавий зарарни ун-дирдиш юзасидан даъво аризалари киритилган.

– **Ушбу фармонда судларнинг тадбиркорлар ман-фаатларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишда ҳам бир қатор вазифалар юклатилган...**

– Дарҳақиқат, бу ҳужжатда тадбиркорлик субъектла-рига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич назорат қилувчи органлардан судларга ўтказиш белгиланди. Ушбу тартиб тадбиркорларни ҳимоя қилишда судлар ролини оширишга йўналтирилган навбатдаги муҳим қадамлардан биридир. Ҳозирда республика-мизда 30 га яқин назорат қилувчи ор-ганлар томонидан тадбиркорларга нисбатан мустақил ра-вишда маъмурий жарималар қўлланилиб келинмоқда.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, айрим идораларда тадбиркорларга нисбатан маъмурий жазоларни қўллашда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларини жиддий равишда бузилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, адлия органлари томонидан ўтказилган ўрганишларда 2014–2015 йиллар давомида назорат идоралари томонидан маъмурий жазоларни қўллаш бўйича 15 мингдан ортиқ қо-нунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Ваҳоланки, суд амалиётида мазкур турдаги ишларни кўриб чиқишда ақсарият ҳолатларда тадбиркорларнинг жа-вобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда моддий аҳолини инobatга олиб, енгилроқ маъмурий жазо чорала-ри қўлланилиши ёки оғохлантирилиши кузатилади.

Шу сабабли, тадбиркорларга нисбатан маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколатининг судларга ўтказилиши, мазкур ишларнинг адолатли ва холисона кўриб чиқилиши-ни таъминлайди.

Бундан ташқари, фармон билан ҳўжалик судлари томонидан ҳақамлик судлари қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни

ФАРМОН ВА ИЖРО

кўришда тадбиркорлик субъектлари давлат божи тўлаш-дан озод этилди. Суд мажлисларида аудио ва видео қайд этиш механизмларини жорий этиш, қабул қилинган қарор-ларнинг веб-сайтларда эълон қилинишини таъминлаш ка-билар назарда тутилди.

– **Бизнес омбудсман институтининг жорий этилиши соҳа вакиллари қандай янгилик яратади?**

– Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектлари-нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида вакил институтини ташкил этилиши тад-биркорлар ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишга қаратилган навбатдаги хайрли янгиликдир.

Бу борадаги илгор хорижий тажриба шунини кўрсатадики, АҚШ, Германия, Испания каби ривожланган давлатларда ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат тузилмалари билан муносабатларда улар-нинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутади.

Фармонда Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилаётган вакил институтининг асосий вазифалари сифатида тадбир-корлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оши-ришда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг фао-лияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, давлат органлари, ҳуқуқий муҳофаз ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органла-ри томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш қабилар назарда тутилди.

– **Фармонда Адлия вазирлиги зиммасига ҳам бир қатор муҳим вазифалар юкланган...**

– Бугунги кунда бу ҳужжатда белгиланган вази-фалар ижроси юзасидан вазирлигимизда Бош проку-ратура билан ҳамкорликда барча мутасадди идоралар вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ҳозир улар томонидан рухсат берувчи ва лицензиялаш тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, уларнинг сони ва кўриб чиқиш муддатини оптималлаштириш, шу жумладан, коррупция омиллар шаклланишини бартараф этиш ва бюрократия ҳолатла-рини тугатиш мақсадида, айрим лицензия турларининг амал қилиш муддатлари бўйича талабларни бекор қи-лишга асосланган тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, фармон билан тасдиқланган дастур-да тадбиркорлик субъектларини жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш вазифаси белги-ланди. Ҳозирги кунда вазирлигимиз томонидан бу йўна-лишдаги ишлар бошланган бўлиб, ушбу субъектларни рўйхатдан ўтказишни янада соддалаштириш, бунда улар тақдим этиётган ҳужжатлар ва муддатларни қисқарти-риш, интернет тармоғи орқали автоматлаштирилган ре-жимда рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этиш маса-лалари кўриб чиқилмоқда.

Жумладан, “Ягона дарча” марказлари томонидан кўр-сатилаётган хизматлар рўйхати ҳам кенгайтирилмоқда. Ҳозирда ушбу марказлар томонидан тадбиркорларга 16 турдаги хизматлар кўрсатилаётган бўлиб, улар томонидан ўтган тўққиз ой давомида 75 мингдан ортиқ давлат хиз-матлари амалга оширилган. Бу тизим, албатта, тадбир-корларимизнинг юқини енгил қилишга, уларнинг вақти ва маблағини тежашга хизмат қилиши билан аҳмиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, яратилаётган барча қулай им-кониятлар келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни жадал ривожлантириш ва мамлакат иқтисодий-иқтисодини кенгайтиришга хизмат қилади.

“XXI asr” мухбири  
Сеvara АЗИМОВА  
суҳбатлашди.





# МОҲИЯТ

Абу Мансур ал-МОТУРИДИЙ

## Панднома



Мартабани сабрдан изла.  
 Доно кўринган нодондан ҳазар қил.  
 Бироега ҳаддан ташқари танбеҳ ҳам берма, беҳудага мақтама ҳам.  
 Сўрамасалар жавоб берма, айтмаган жойга борма.  
 Яхшиликни жондан изла.  
 Ўзингни таъриф этишдан сақлан.  
 Тадбирни тақдир билан боғла.  
 Насияни мол деб билма.  
 Сендан кўрққандан сен ҳам кўрқ.  
 Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир.  
 Яхшилик қилганингни айтиб юргувчи бўлма.  
 Хорлик истасанг хиёнатчи бўл.  
 Ота хатоси учун танбеҳ берма.  
 Бахиллик билан мартаба қозонолмайсан.  
 Сирингни дўстдан ҳам, душмандан ҳам пинҳон тут

Ўтганга, тўқилганга ва кетганга афсусланма.  
 Яхшиларнинг тиригини ҳам, ўлигини ҳам зиёрат қил.  
 Ўзингдан кексаларни улуг бил.  
 Яхшилигингни эл билсин десанг, ёмонларга таъна қилма.  
 Дорини соғ пайтингда ич.  
 Буюкларнинг кичикларга хизматини кичик бил, Кичикларнинг буюкларга хизматини буюк бил.  
 Мақтанчоқлик қилма, биров сени мақтаса, ундан фахрланма.  
 Тинчлик истасанг, ҳеч кимга ёмонлик қилма.  
 Шунга интилгинки, ўлимдан сўнг ҳам тирик юргин.  
 Озорнинг йўлини эҳсон билан тўс.  
 Форсийдан Ҳамиджон ҲОМИДИЙ таржимаси



ТАНЛОВ

## Энг яхши китобхон

Бухоро нефть ва газ саноати коллежида "Энг яхши китобхон" кўрик танловининг шаҳар bosқичи ўтказилди. Унда 21 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди. Қатнашчилар Биринчи Президентимизнинг, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг китобларини севиб ўқишларини намоён этишди. Танлов якунига кўра, туманнинг Тиббиёт коллежи ўқувчиси Умида Бурхонова биринчи, Санъат кол-

лежи ўқувчиси Маликжон Ибодов иккинчи, Маданият коллежи вақиласи Мунира Ҳамроева учинчи ўринни эгаллади. Фойлибар O'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Зарифа САФАРОВА,  
 O'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгаши  
 консультанти

2016 ЙИЛ "СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ"

## Ўзимиз ва ўзгаларни ҳам ўйлайлик

Кўпни кўрган кексаларимиз азал-азалдан зарар ва безарарнинг фарқига бориб яшанглр, ден насиҳат қилишгани бежиз эмас. Айниқса, ёши улуглар доим ҳурматда, кичиклари иззатда бўлган юртимизда маърифатга, одоб-ахлоққа, турли ёт иллатлардан йироқ бўлишга чақирувчи бундай ҳикматли сўзлар ҳар бир хонадонда бот-бот тилга олинади. Фарзандлар саломатлиги, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишида бундай ўғитларнинг ўрни бекиб.

Бирок бугунги глобаллашув асрида турли кўринишдаги номақбул унсурлар ҳам урчиноқдаки, улар, аввало соғлом авлод тарбиясига салбий таъсир этибгина қолмасдан, бақли дунё миқёсида турли хил умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Олимларнинг узок йиллик қура-тувлари натижасига кўра, одамзот яшаб турган ер шарида мавжуд бўлган фойдали манбалардан кўра дастлаб зарарли одатларга кўпроқ қизиқиш билдирар экан. Ана шундай зарарли одатлардан бири — бу кашаңдалик эканлигини қайта-қайта таъкидлаш шарт эмас.

Маълумотларга қараганда, тамаки тутуни таркибиде инсон организмга жуддий хавф туғдирадиган 3000 дан ортиқ захарли моддалар

— никотин, аммиак, карбонат ангидрид, бензол, полоний, кадмий кабилар мавжуд. Биргина никотин таркибидеги карбонат ангидрид гази қондаги гемоглобин билан бирикиб мия, юрак ва бошқа муҳим органларни кислород билан нормал таъминлашини бузади ва сурункали бош оғриқ, юрак санчиш каби турли касалликларни келтириб чиқаради. Энг ҳалокатлиси — тамаки тутуни таркибиде саратон хасталигини чақирувчи 50 дан ортиқ кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, улар муқаррар ўлимга олиб келиши аллақачон исботланган ҳақиқат. Шунингдек, азот, кадмий, никель каби моддалар иммун тизимига салбий таъсир қилиб, жигар, мияда рак тўқималари пайдо бўлишига олиб келади. Тамаки чекувчиларда миокард

инфаркт касаллиги чеқмайдиғанларга қараганда икки мартаба кўпроқ учрайди. Кашаңдалар соғлом одамларга нисбатан 15 мартагача кўп ўпка эмфиземаси, 3-5 марта аорта қон томирини кенгайиши хасталиги билан оғриши тиббий ташхисларда ўз тасдиғини топган.

Юқоридеғилардан англашиладики, захри-заққум тамаки нафақат сурункали касалликларни келтириб чиқаради, балки миллат генофондиға ҳам таъсир қилиб, тараққийта хавф туғдиради. Шундай экан, имкони борича бундай кўнгилсиз одатдан қанча тезроқ қутулсақ, жонимиз ором топади, ўзгаларга ҳам зиёнинимиз тегмайди.

Хуррият ОРТИҚОВА,  
 Беқобод шаҳар ФХДЁ бўлими инспектори

РЕКЛАМА

## "УНИВЕРСАЛ" ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ

### ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

"Универсал" молиявий истеъмол кредити жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, товарлар ва хизматлар учун ажратилади.

### Кредит ажратиш мақсадлари:

Уй рўзгор, жиҳоз ва маъший буюмлари сотиб олиш учун (идиш-товаск, сувенир, хрустал, барча турдаги мебеллар, гиламлар, сантехника, пардалар, телефон, компьютер, телевизор, газ плита, кондиционер, электр генератори ва бошқалар);

Махсус ўқув курсларида таълим олиш учун (ҳамширалик, хайдовчилик, келинликка тайёрлаш, чеварчилик, тил ўрганиш ва бошқалар);

Соғлиқни сақлаш, даволаниш хизматлари ва саломатлигини тиклаш учун анжомлар сотиб олиш (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча даволаниш муассасаларида даволаниш ва жарроҳлик операцияларни ўтказиш, тиш қўйдириш, ногиронлик аравчалари, спорт, фитнес анжомлари ва бошқалар);

Ўзбекистон Республикаси ичида барча турдаги савҳат ёки сўҳаттоҳ йўлланималарини сотиб олиш учун;

Тўй маросимлари ўтказиш учун;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги мототехникалар сотиб олиш, автотранспорт воситаларига метан, пропан газ мосламаларини ўрнатиш, таъмирлаш эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун;

Яшаш шартини яхшилаш учун турар жойларга темир дарвоза, панжара, ёғоч, алюмин эшик-роғлар, қўрилиш материаллари сотиб олишга ҳамда хонадонларга газ, электр, сув тизими қурувларни ўтказиш хизматлари учун.

✓ Гаровсиз  
 ✓ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган, минимал иш ҳақининг 200(икки юз) баробаригача  
 ✓ Йиллик 16%  
 ✓ Комиссиясиз  
 ✓ Кредит муддати - 36 ойгача  
 ✓ Иш берувчи корхонанинг кафиллиги асосида

БАРЧА ТУРДАГИ МАЪЛУМОТ УЧУН  
 (+998 71) 140-00-88  
[www.trustbank.uz](http://www.trustbank.uz)

Хизматлар лицензияланган 16-379

---

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилоят Кенгаши Гиждувон шаҳридаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати **Саид РАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

---

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Паркент туман Кенгаши O'zLiDeP Паркент туман Кенгаши раиси Тўйчибой Дўсматовга отаси **ИСМОИЛ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

# AVTOSALON

## «SARDOR AVTO INVEST»

**ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ**

**Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ**

**ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТЎАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ**

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.  
 Мўлжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.  
[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Махсусотлар сертификатланган  
 Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:  
 TADBIRKORLAR VA  
 ISHBILARMONLAR  
 HARAKATI –  
 O'ZBEKISTON  
 LIBERAL-  
 DEMOKRATIK  
 PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ	Қўноқбек САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкиян ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Аҳам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили:  
 Тошкент шаҳри,  
 Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:  
[tdi\\_asr@mail.uz](mailto:tdi_asr@mail.uz)

Телефонлар:  
 қабулхона – 215-63-80  
 (тел./факс).  
 Котибият – 281-40-17  
 Реклама ва шартнома-  
 лар бўлими – 215-60-45,  
 255-68-50

"XXI asr" ixtimoiy-sisioy gazetasi Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
 Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
 Ҳажми – 5 босма табоқ.

Буортма рақами: Г – 1166 Тираж: 9061  
 Баҳоси келишилган нарҳда.  
 ЎзА якуни – 22:03  
 Топширилди – 02:30

Таҳриратга қилган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайн

Маъруфжон Раҳмонов  
 томонидан саҳифаланди.

ISSN 2183-497X

НАШР КўРСАТКИЧИ: 406  
 12345

Навбатчи муҳаррирлар  
 А. МУЗАФФАРОВ, А. АЛМАРҲОНОВ